



**XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHI**  
**QARORI**

343/38-6 -son

“ 15 ” апрель 2021 yil

**“Туман ва шаҳарларда янги яшил ҳудудларни яратиш ҳақида”ги электрон жамоавий мурожаатни кўриб чиқиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 2 февралдаги “Мening fikrim” веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссия раиси Л. Кабулжанованинг “Мening fikrim” веб-порталида 5000 дан ортиқ овоз тўплаган **“Туман ва шаҳарларда янги яшил ҳудудларни яратиш ҳақида”ги электрон жамоавий мурожаат юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.**

2. **“Туман ва шаҳарларда янги яшил ҳудудларни яратиш ҳақида”ги электрон жамоавий мурожаат маъқуллансин.**

3. **Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Б. Раҳмонов, М. Мухитдинов), Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (С. Уматов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси (Ш. Раҳимджанов) бир ой муддатда тегишли бошқармалари ва ташкилотлари билан биргаликда Тошкент шаҳрининг туманларида янги яшил ҳудудларни ташкил қилиш лойиҳалари бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига таклифлар киритилсин.**

4. **Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л. Исматуллаев) бир ой муддатда туманларда янги яшил ҳудудларни ташкил қилиш лойиҳалари бўйича молиялаштириш манбалари тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимлигига таклифлар киритилсин.**

5. **Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши котибияти - мазкур қарор нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги**

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институнига юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссия раиси Л. Кабулжанова ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Б. Рахмонов, М. Мухитдинов зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари  
Тошкент шаҳар Кенгаши  
раиси ўринбосари**



**Т. Матибаев**